
Куни кеча Бешариқ тумани ҳокимининг йиғилиши бўлиб ўтди.

Куни кеча Бешариқ тумани ҳокимлигида туман ҳокимининг туман масъуллари иштирокидаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда тумандаги ижтимоий объектларга қуёш панелларини ўрнатишга доир масалалар муҳокама қилинди. Бугунги кунга қадар қуёш панеллари ўрнатилган биноларда уларнинг ишга тушган ҳолати ҳақида масъуллар маълумот бердилар.

Шунингдек, таълим муассасаларида электр энергияси сарфини камайтириш учун қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш зарурлиги ва бунга бинонинг тайёргарлик ҳолатини ўрганиш бўйича масъулларга топшириқ берилди.

2023-05-13 11:20:57